



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 28 сентябрь, жума

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 189 (10.998)

Баҳоси эркин нарҳда

## ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШИШ УЧУН 27 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Мамлакатимиз пахта далаларида ҳосил қўчи ҳар йилгидан банд. Дехқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг нест-нобуд қилмай йиғиб олиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаган.

Юртимизнинг улкан пахта хирмониغا Жиззах вилояти миришкорлари ҳам муносиб улуш қўшадилар. Шуниси эътиборлики, Жиззах юртимизда фермерлик тизимига биринчи бўлиб тўла ўтган вилоятлардан. Вилоятда қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ҳосилдорлик муттасил ошиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда пахтачиликда ҳосилдорлик ҳар гектар ердан 16,1 центнерни ташкил этган бўлса, 2006 йили у 23,4 центнерга етди.

Вилоятдаги салкам 10 минг фермер ҳўжалигидан 5 мингга яқини пахтачилик билан машғул. Ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг 98,1 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Жиззахлик миришкорлар бу йил 255 минг 326 тонна қимматбахў хомашё тайёрлашни мўлжаллаган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг вилоятга ташрифи Жиззах туманидаги Абдунаби Абдурахмонов раҳбарлик қилаётган «Кўргонтепа» фермер ҳўжалиги дала-сида мазкур худуддаги фермерлар, теримчилар, қишлоқ аҳли вакиллари билан учрашувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар, жамиятимиз ҳаётидаги демократик янгиланишлар одамларнинг онги ва дунёқарашиди, турмуш тарзида қандай акс этаётгани билан қизиқди.

Кишлоқларимизнинг ҳаёти фаровонлашгани сари, табиийки, уларнинг талаби ва диди ҳам юксалиб, замонавий турмуш шароитига мос тарзда эҳтиёжи ҳам ортиб боради. — деди Президентимиз. — Яқиндагина автомобиль юрдошларимиз учун ҳў ҳавас ҳисобланган бўлса, бугунги кунда у одатдаги транспорт воситасига айланди. Қишлоқ жойларда машиналарнинг кўпайиши одамларимизнинг имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Аёллар, ёшлар мамлакатимизда ҳеч қимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиши йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, юртимиз кундан-кунга ободонлашиб, халқимиз ҳаёт даражаси юксалаётгани, янги маҳалла марказлари, йўллар бунёд этилаётгани, аҳоли даромади ортаётгани, энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий таълим масканлари, спорт иншоотлари қад ростлаётгани ҳуСУСИДА мамнуният билан сўзладилар.

— Янги ўқув йилида биз ашайдиган «Тоқчилик» қишлоқ фуқаролар йиғини худудда 750 ўринли ижтимоий-иқтисодий касб-ҳўнар коллежи ишга туширилди, — деди Меҳри опа Эрматов. — Набирам ушбу таълим масканининг ўқувчиси бўлганидан бошим осмонга етди.

— Хўнари бор ҳў бўлмас экан, — дея сўхбатга қўшилди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Кўшсевер Парда» фермер ҳўжалигининг раҳбари Парда Зийёдов. — Истиқлол шарофати билан зарур соҳалар мутахассислари қишлоқнинг ўзиди етишиб чиқаяпти. Бу мамлакатимизда юртимиз тараққиётини, халқимиз, айнакиса, ёш авлод келажакини ўйлаб амалга оширилаётган улў ишларга бир мисол. Бундай залворли ютуқларни барча соҳаларда қўриб, нафакат гувоҳи, балки ана шу хайрли юмушларнинг фаол иштирокчилари бўлаётганимиздан жуда фахрланамиз.

Юртбошимиз фермернинг даласини кўздан кечирар экан, қандай пахта навларини экгани, пахтачиликдан қанча даромад олаётгани билан қизиқди. Вилоятнинг ўзига хос иқлим шароитини, сув танқислигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий навларни етиштириш масаласига алоҳида тўхталди.

— Хар бир худуднинг, жумладан, Жиззах вилояти туманларининг ҳам ўз истиқболли пахта навлари бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Маҳаллий шароитга мос янги навларни танлаш ва жорий этишда олимлар, мутахассислар фермерларга қўмак бериши, бу борада қўнт билан изчил иш олиб боришлари даркор.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ Тўғрисида АҲБОРОТ

### 2007 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2008 йил учун макроекономик кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Мажлис муҳокамасига киритилган мамлакатимизнинг келгуси йил учун асосий иқтисодий ҳўжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, Молия вазири Р.Азимов сўзга чиқди. Маърузада Ҳўкуматга қўриб чиқилиш учун киритилган ҳўжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган мамлакатимиз иқтисодий тизимини янада ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг энг муҳим устувор йўналишларига асосланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Иқтисодий вазир Б.Ҳўжаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Давлат божхона қўмитаси раиси С.Носиров, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Тошкент шаҳар ҳўқими А.Тўхтаев ҳамда бир қатор ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари, кичик ва хўсусий иқтисос вакилларининг чиқошларида иқтисодий ўсишининг барқарор оқори сўратларини сақлашга, иқтисодий таркибий ислоҳ қилишни, модернизациялашни, базавий тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни таъминлашга, инвестициявий муҳитни яхшилашга, кичик ва хўсусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

## Пойтахтнинг бир кўни Янгиликлар, воқеалар

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни



## ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САМАРАДИ АНЖУМАН

**АЙТИШ ЖОИЗКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТЎБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИГАН «ТАЪЛИМ Тўғрисида»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНДАН БЎЁН ЎТГАН 10 ЙИЛ МОБАЙИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА, ЖУМЛАДАН, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УНИНГ МАЪМУНИ ҲАМДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ТАЛАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**



Ушбу ҳўжат билан боғлиқ Президентимизнинг бир неча Фармони, ҳўкумат қарорлари қабул қилиниб, юртимиз таълим тизимида кенг микёсда ислоҳотлар бошланди. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг таркибий қисми бўлган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мамлакатимиз таълим тизимини тўбдан ислоҳ қилиш, соҳа ҳодимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини тақомиллаштириш борасида муҳим ўрин тутиб келмоқда. 2004 йилдан бЎён республикаимизда жорий этилаётган мазкур умуммиллий дастурнинг барча йўналишларида, авваламбор ўқитувчи ва мураббийлар манфаати қўзланган бўлиб, уларнинг меҳнатини самарали ташкил этишга алоҳида ургу берилган.

Кўни кеча Ўқитувчи ва мураббийлар кўни умумхалқ байрамига бағишлаб Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Собир Раҳимов туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабиди «Ўқитувчи шахси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзусида матбуот анижумани ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари ҳодимлари билан ўтказилган мазкур матбуот анижумани доирасида журналистлар шаҳримизнинг Яқкасарой туманида бу йил янги бунёд этилган 144-умумий ўрта таълим мактабига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан, шунингдек, «Мактаб, оила, маҳалла» йўналиши бўйича мактабда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Мазкур мактабда 2007 йил апрель ойда Республика «Меҳр нури» жамғармаси томонидан капитал таъмирлаш ишлари бошланиб, август ойда фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда мактабда 950 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ҳозирги кунда мактабда ўқув жараёни давлат таълим стандартлари талаблари асосида олиб борилмақда. Шунингдек бу ерда учта фан йўналиши бўйича—инглиз тили, рус тили, ахборот технологияларига эътибор қаратилган бўлиб, 1-синфдан бошлаб компьютер сабоқлари, 2-синфдан эса инглиз ва рус тили дарслари режага киритилиб, олиб борилмақда.

Шунингдек, журналистлар Юнусов бунданида жорий йилда қўриб фойдаланишга топширилган Республика Болалар бадий ижодиёти марказининг тантанали очилиш мавзусида иштирок этиши ҳамда унинг фаолияти билан яқиндан танишишди. Маълумки, мамлакатимизда ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижод қилишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мазкур Болалар ижодиёти марказида асосан Меҳрибонлик йўлида, мактаб-интернатларда тарбияланаётган, имконияти чекланган 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 500 га яқин истеъодли ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон болалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари тасвирий ва халқ амалий санъати сирларини ўрганадилар. Уларга таниқли халқ рассомлари, академиклар, халқ усталари мураббийлик қилиб, ўзларининг ижод мактаблари асосида таълим берадилар. Сўнг меҳмонлар Собир Раҳимов туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабиди бўлиб, ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, таълим-тарбия самардорлигини ошириш, ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шўгулланишлари бўйича тажрибалари билан танишишди.

Юқорида таъкидланганидек, 28-умумий ўрта таълим мактабиди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги вакиллари билан бирга ўтказилган «Ўқитувчи шахси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги матбуот анижуманида сўзга чиққанлар миллат ривожига ҳисса қўшган дастур — «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилинганлигига 10 йил тўлиши, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» — таълим самардорлигини оширувчи муҳим омил, Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаби» танловларининг ўрни, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳамда дарслик—таълим сифатини оширувчи муҳим омил, шунингдек, услубий ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Қизиқарли савол-жавоб, баҳс-мунозаралар остида ўтган матбуот анижуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: анижумандан лавҳалар  
Владимир Гранкин олган суратлар

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● 26-27 сентябрь кўнлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси мажлис кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари муҳокамасини 2 октябрда ҳам давом эттиради.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан биргаликда «Жамият ҳаётида ёшларни тарбиялаш ва уларга маънавий-ахлоқий кадрларнинг синдиришда кутубхоналарнинг роли» мавзусида давра сўхбати ўтказди.

● Тошкентда бизнес соҳаси ва корпоратив ИТ инфратузилмаси учун мўлжалланган Intel vPro процессор технологиясининг янги авлоди тақдимоти бўлиб ўтди.

● Андижондаги Бобур номи мусикали драма театрида «Энг яхши ижтимоий соҳа ҳодими» кўрик-танловининг республика босқичи голиби аниқланди. Ҳайъат қарорига қўра, ҳоразмлик Насофат Матулиева танловнинг мутлақ голиби деб топилиб, компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

● Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Богот туман Кенгаши фаоллари ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган «Ёшлар минбарини ташкил қилишди. «Ёшлар минбарининг навбатдаги йиғилиши тумандаги Маийши хизмат касб-ҳўнар коллежи ўқувчилари иштирокида ўтказилди.

● Республика Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ ташаббуси билан Жиззах вилоятида «Саломатлик ҳафталиги» ўтказилди. Шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган тадбирларда аҳолини парранда гриппи хавфининг оғоҳ қилиш, профилактика ва касалликка қарши оммавий кураш усуллари ҳақида маърузалар, сўхбатлар ташкил этилди.

● «Фавзул-Мунаввар» спорт клуби ташаббуси ва «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлиги билан Бекобод шаҳрида Ўзбекистон, Россия ва қирғизистонлик чарм қўлқоп усталари иштирокида профессионал бокс кечаси ўтказилди.

● Самарқанддаги Ёшлар марказида «Маҳалла тарихини ўрганаган» мавзусидаги республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи Самарқанд автомобиль заводи 2008 йилда Isuzu русумли катта ҳажмдаги юк ташувчи япон автомобиллари ҳамда Isuzu шахсиси негизда Хитойнинг Golden Dragon автобусларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

● Республика нодавлат нотижорат «Аёллар Кенгаши» жамоатчилик бирлашмаси томонидан Наманганда «Йил аёли» миллий танловининг вилоят босқичи ташкил этилди.

● Республика Киночилар уйида «Вақт шамоллари» ҳўжатли фильмининг тақдимот маросими ўтказилди.

● Фаргона вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтидида янги ахборот-ресурс маркази тузилди. Марказ замонавий жиҳозлар, бой китоб фондига эга бўлиб, китобхоналар учун барча шароитлар яратилган.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Мьянмани бошқараётган ҳарбийлар ҳўкумати томонидан бир неча кундан бЎён норозилик намойишини ўтказаяётган кўп миң кишилик аҳолига нисбатан қўролли ҳўжум уюштирилиши натижасида тўққиз киши ҳаётдан қўз юмди. Мьянмадаги моҳаролар муносабати билан БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун бу ерга ўз вақилини киритишни айтди.

● Вашингтонда иқлим ўзгаришига бағишланган атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини муҳокама этувчи йирик халқаро анижуман бўлиб ўтди. Унда саноати ривожланган мамлакатлар ҳамда атроф-муҳитни 80 фоиз ифлослантираётган давлатлар вакиллари қатнашди.

● Кеча Грузияда мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири бундан бир неча кун бурун мамлакат президенти Михаил Саакашвилини коррупция ва бюуртма қотилликларда айблаган Ираклий Окруашиви ҳисбга олинди. Унга прокуратура томонидан бир нечта моддалар бўйича айблов қўйилмоқда.

● Германиянинг Берлин шаҳрида юқумли касалликларга қарши кураш бўйича донор мамлакатларнинг халқаро конференцияси якунланди. Унинг қатнашчилари ОИТС, безгак, силга қарши 2008-2010 йиллар давомида курашиш ишларига 7 миллиард евро атрофида маблағ ажратишга қарор қилишди.

● Афғонистонда Толибон ҳаракати томонидан гаровга олинган 4 нафар Қизил Ҳоч вакилларининг озод қилиниши тўғрисида маълумот берилди.

● Мексиканинг жанубидаги Юкатан штатида бортида 3 тонна кокаин гиёвандлик моддаси бўлган энгил моторли самолёт кулаб тушди. Самолёт учувчиси ўзини таъқиб қилаётган мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг вертолётига чап беришга уринаётган пайтда ҳалокат рўй берди.

● Исроил пластик пул билан муомала қиладиган мамлакатлар сафига кирди. Келгуси йилнинг февралидан бошлаб ушбу мамлакатда янги қўринишдаги 20 шей келли купюралар муомалага киритилади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу пластик пуллар чидамлилиги ва қалбақлаштиришдан оқори даражада ҳимояланганлиги билан ажралиб туради.

# ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОХОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз раҳбари Пахтакор туманидаги «Усон бобо» фермер хўжалиги даласида бўлган учрашувда пахтанинг эртагишар, серҳосил, тола сифати юқори ва касалликларга чидамли навларини кўпайтириш хар томонлама, айниқса, фермернинг даромади ошишида муҳим омили бўлишига эътиборни қаратди. — Етти йилдан буён фермерлик қиламан, - деди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Жўрабой Мусурмонов. - Мавжуд 21 гектар ер майдонимизнинг 8 гектариди пахта етиштириш. Утган йили «Ан-Боб-вут-2» нави экиб, хар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олдик ва пахтачиликнинг ўзидан 12 миллион сўм даромад кўчдик.

Юртбошимиз Дўстлик туманидаги «Қаландар Гулбой» фермер хўжалиги далаларида ҳам бўлди. Фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Шодиёв утган йили 31,7 миллион сўм даромад қилган. Бу даромаддан янги уй қурган, дала шийони барпо этган, «Нексия» сотиб олган. Ижтимоий ҳимоя йилида туман марказий касалхонасига бир миллион сўм, ёрдамга муҳтож оилаларга бир тонна бугдой ва сигир берган.

Давлатимиз раҳбари қўзғитган ганимат кунларидан унумли фойдаланиб, ҳосилни тезроқ териб олиш ҳам деҳқон манфаатлари талаби, ҳам фермер зиммасидаги масъулият эканини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоят фермерлари билан мулоқот чоғида Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларни қайд этиш баробарида, мавжуд муаммоларга ҳам тўхтади. Вилоятда давлатга пахта сотиш борасида бу йил бироз кечикиш кўзга ташланмоқда. Бунинг сабаблари айрим хўжалиқларда агротехник тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилган. Ғўзани чилиши ва баргини суний тўкиш ишларида агротехник талабларга риоя қилинмагани оқибатида пахтанинг пишши бироз кечиккан.

— Жойларда ирригация иншоотларини барпо этишда муайян натижаларга эришдик. Лекин мелиорация соҳасида амалга оширадиган ишаримиз хали анчагина, — деди Президент. — Шу мақсадда 2008 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат бюджетидан сарфланмаган маблағ миқдорини жорий йилдаги нисбатан бир неча баравар оширишни мўлжаллаямиз.

Истиқлол тўғайли фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Фермерларнинг мулк эгаси бўлишига, уларда мулкдорлик ҳисси уйғонишига эришилди.

— Фермерларимиз нафақат далада ишлайдиган деҳқон, айни чоғда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига, одамларнинг ўй-ташвишларига шерик бўлиш масъулиятини зиммасига оладиган илгор синфга айланмоқда, - деди Ислом Каримов. - Шу боис улар ишлаб чиқариш билан кифоя-

ланиб қолмасдан, ижтимоий муаммолар билан ҳам чуқурроқ шуғулланиши, юртимизда давом этаётган ислохотлар жараёнида янада фаолроқ иштирок этиши даркор.

Учрашувлар давомида жиҳазлик фермерлар давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасини диққат билан ўқиб чиққанларини айтдилар. Маърузада истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган буюқ ўзгаришлар ҳаётий, ҳаққоний мисоллар асосида чуқур таҳлил этилган.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг мамлакатимиз ҳаётида тугган ўрни, бугуни ва истиқболи хусусида гапирилганда кўпинча бошқа вилоятлардан фарқ қиладиган, нисбатан мураккаб ер-сув шароити тилга олинган эди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, жумладан, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши бундай қарашларни тубдан ўзгартирди. Узоқ йиллар қолақ худуд саналиб келган Сирдарё сўнгги йилларда оёққа туриб, иқтисодий имкониятлари кенг эканини исботламоқда.

Ислом Каримов Сирдарё вилоятида иқтисодий салоҳияти, ер-сув шароити бир-биридан фарқ қиладиган уч туман фермерлари билан суҳбатлашди.

Сардоба — чўл худудида жойлашган туман. «Бахмал» фермер хўжалиқлари уюшмасида қишлоқ мулкдорлари билан учрашган Президентимиз фермерлик шунчаки ҳавас эмас, машаққатли меҳнат, кунт, чидам ва фидойилик талаб қиладиган касб эканини таъкидлади.

— Бу соҳада ҳам хар ким имкониятига, салоҳиятига, билимига қараб иш юритади, — деди Президентимиз. — Қайсидир фермернинг 40 гектар, бошқасининг 600 гектар ери бор. Фермер ишига унинг ери оз-кўплигига қараб эмас, хар гектар ердан оладиган даромади, соф фойдасига қараб баҳо бериш тўғри бўлади.

Юртбошимиз фермерларнинг ушбу масала бўйича фикрлари билан қизиқди.

— Фермер хўжалигимиз 1994 йилда ташкил этилган, — дейди «Абдулла Қодирий» фермер хўжалиги раҳбари Асатилла Бердиқулов. — Дастлаб 300 гектар ер олган эдик. Ишни юритиш осон бўлмади. Секин-аста оёққа турдик. 2000 йилдан бошлаб хар йили кўшимча ер олиб, умумий майдонимизни 650 гектарга етказдик. Йигирмадан зиёд техникамиз бор. Хўжалиқда 75 киши меҳнат қилади. Утган йилни 180 миллион сўм соф фойда билан яқунладик.

— Бир пайтлар 650 гектар ер бутун бир колхознинг ери ҳисобланган эди, — деди Президентимиз. — Колхознинг бошқарув тизимида 30-40 киши, далада эса камида мингга яқин одам меҳнат қиларди. Қишлоқ хўжалигига олиб борилган ислохотлар тўғайли шунча ерда бугун қанча одам ишляпти,

қанча даромад олапти — мана шу хўжалик мисолида аққол кўриб турибмиз.

Юртбошимиз бир масалага алоҳида эътибор қаратди. — Ишловчиларда боқимандалик кайфиятининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим. Агар ҳамманинг — яхши ишлаганинг ҳам, кўл учида меҳнат қилганинг ҳам манфаатдорлиги бир хил бўлса, аҳвол эски ҳаммом, эски тослигича қолади, — деди Президентимиз. — Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги нафақат уларнинг меҳнатига, балки ишга муносабатига, ташаббускорлигига ҳам қараб белгила-ниши керак.

Оқолтин туманидаги «Собиржон Сиддиқов» фермер хўжалиқлари уюшмаси фермерлари билан суҳбатлашган Юртбошимиз бир пайтлар 16-17 центнер ҳосил берган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, ҳосилдорлик кескин ошганини таъкидлади.

— Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, юқори ҳосил олиш қийин, — деди давлатимиз раҳбари. — Бунинг учун дренажларни, коллекторларни тартибга солиш керак. Аммо бу муаммони фермернинг ўзи ҳал қилмайди. Унга давлат ёрдам бериши керак. Хар қандай тараққиёт этган мамлакатда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаси давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади.

Суҳбат давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралар, аҳолининг турмуш даражаси, онги ва дунёқарашини нечоғли ўзгартиб бераётгани хусусида фикр алмашилди.

Бир пайтлар Мирзаобод туманида пахта етиштириб бўлмайдиган, деган фикр билан ушбу худудда пахта экиш тўхтатилган эди.

Шу тумандаги «Бўрибек» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан учрашган Президентимиз суҳбатни шу мавзудан бошлади.

— Эски тузум пайтида бу ерда яшайдиган одамларнинг тақдири, уларнинг турмуш шароити, манфаатдорлиги ва рағбатлантирилиши ҳақида ҳеч ким ўйламаган, - деди Ислом Каримов. - Бугун ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Фидокорона меҳнат қилиб, юқори ҳосилдорлик ва юксак даромад олишга эришяётган мириаодлик фермерлар эскича қарашлар нотўғри эканини амалда исботламоқдалар.

Юртбошимиз бугун қишлоқ мулкдорлари замон талаблари асосида иш олиб боришлари, худудда чорвачилик ва саноатни ҳам ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилади.

**Ғулوم МИРЗО,**  
**Тошкул БЕКНАЗАРОВ,**  
**Вохид ЛУҚМОНОВ,**  
**Дилором ЭСОНОВА,**  
**ЎЗА махсус муҳбирлари**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Мажлисида Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг ялпи ички маҳсулотнинг юқори реал ўсиш суръатлари камида 8 фоиз даражасида бўлишини, саноат тармоқларини 9,6 фоиз миқдорда жадал ўстиришни, капитал қўйилмалар ҳажмини 16 фоизга кўпайтиришни, инфляцияни аҳолининг реал даромадларини жадал ўстирган ҳолда 6-8 фоиз даражасида сақлашни кўзда тутувчи 2008 йил учун макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлари қўллаб-қувватланди.

Мажлисида биринчи навбатдаги вазифалар қаторида тўловлар интизомини янада мустаҳкамлаш, Давлат бюджетига солиқлар ва бюджетдан ташқари жағғармаларга тушумлар йиғиш даражасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Қадрлар тайёрлаш, мактаб таълимини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини бажаришга биринчи навбатда йўналтириладиган бюджет маблағларининг тежамли ва самарали ишлатилиши масалалари Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назирова, бюджетдан маблағ олувчи бир қатор идоралар ва муассасалар раҳбарларининг чиқишлари марказида бўлди.

Муҳокама чоғида 2008 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этиш учун кўшимча рағбатлар яратиш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 10 фоиздан 8 фоизгача камайтириш таклифи этилди.

Ишлаб чиқариш самардорлигини оширишни, инвестициявий жараёнларни фаоллаштиришни, корхоналарни модернизация қилиш, техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришни мўлжаллаган ҳолда солиқ юқини изчил қисқартириш мақсадида табиий газга акциз солиғи ставкасини 5 фоизли бандга ва тижорат банклари учун фойда солиғи ставкасини 2 фоизли бандга камайтириш, республикада ишлаб чиқариладиган бир қатор халқ истеъмоли товарларига акциз солиғини бекор қилиш таклифи этилди ва солиқ юқини камайтиришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

2007-2009 йиллар мобайнида иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифани бажариш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг харажатлар қисмида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини изчил оширишга кўшимча бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутиш таклифи этилди. Шу билан бирга, ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатларнинг Давлат бюджетидидаги улушини 54 фоиз даражасигача кўпайтириш таклифи этилди.

Олинмаган солиқлар миқдорини қисқартириш ҳисобига аҳолининг реал даромадларини ошириш тенденциясини сақлаб қолиш мақсадида жисмоний шахсларнинг 13 фоизли ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлари чегараларини энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 6 бараваригача кенгайтириш таклифи этилди.

Шу билан бир қаторда, мажлисида таълим муассасаларини бюджетдан режалаштириш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш, унумдорлиги паст ерларда пахта етиштирадиган фермер хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш ҳажмларини тубдан ўстириш бўйича чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан муҳокама натижалари бўйича 2008 йил учун макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини лойиҳасини асосан маълумлаш ва уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2008 йил учун Давлат бюджетининг аниқ параметрлари улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилингандан кейин чоп этилади.



# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Юсуф Хос Ҳожиб**  
**ҲИКМАТЛАР**

Одамнинг ўзи эзгу, феъл-хулқи яхши бўлса, қаерда ва қачон истаса, ҳамisha минг сеинчларга муяссар бўлаверади.

Эзгу одам ҳамма ерда ҳам эзгулик топса, эзгуликнинг эвази ҳамisha эзгулик бўлди.

Дунё ўткинчи нарса — у берган нарсаларини яна қайтариб олади.

Ўлим ҳеч кимни фарқлаб ўтирмайди: ун шох ҳам, гадо ҳам баробар. Унга яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам айирмаси йўқ.

Дунё кўланкага ўхшайди: қувсанг — олдинга тушиб қочиб кетаверади, қочсанг — сенга ёшадми, изиндан эгаришиб келади. Кимда-ки унга кўнгил бергудай бўлса, ҳаёти зое бўлади.

Дунё лаззатларининг энг кераклиси — инчомон ҳаёт кечирिश.

Бу дунёдаги энг катта ёв — нафсинг. Унгу тузоғи доим ёйқ. Нафсдан жон учун етишиган нарса — машаққат. Нафси бузқунинг давсини ўлимдан бошқа ҳеч нарса тополмайди. Шнафс гоҳ югуртириб, гоҳ елдиради, гоҳ қулдири, гоҳ йиғлатади.

Кўзни суқ қиладиган ҳам шу нафс. У туяли киши гоҳ тўқ, гоҳ оч бўлади. Бир орзуни пса, бошқаси қолади. Нафс семириб, охир-қибат эгасини йиқитади.

Кишининг нафси овчи итга қаёс: агар у емириб кетса, эгасининг ҳақини ҳам танимайд. Ёки киши нафси ёш болага ўхшайди: корни ўйса бас, чопиб кетаверади, сен эса унинг оғасидан излаб юрасан.

Қорин тўйса, арпа ҳам, ҳолва ҳам биркил — иккаласи ҳам ортиб қолаверади.

Нафс — кўринмас ёв. Бу ёвни йўқотиш кеак.

Нафсдан ҳам даҳшатли ёв — бойлик. Байликнинг ҳам тузоғи ёйқ.

Билимиз бўлади киши белгилик, Фақат нафси учун этса эзгулик.

Қайси ишни қилмоқ тиласан ўзинг, Кўнгил билан аввал кенгаш хар сўзинг.

Кўнгил маъқулламаган ишда наф бўлмади.

Яқин бўлса кўнгил — йироқ ер яқин, Вафо билан аммо яқинлик тагин. Шарқу Фарб ораси бир ўрлам ердир, Вафо деб билса ким яқинлик ҳақин.

Инсон яхши ниятлар, эзгу орзуларни да тиним билмайди.

Бу дунё ўткинчи: у хар куни олқинади — майиб, озайиб бораверади.

Аслида бутун дунё борлиғи — бир сиқим.

Бориға қаноат қила олиш ҳам бахт.

Минг эзгу этагин тутгунча ўзинг, Эзгу бўлсин бир бор қилигинг, сўзинг.

Элчи сўз бузмаса, кўрмагай зиён, Элчи сўзга собит бўлар хар қачон.

Элчига ўлим йўқ, билиб қўй яна, Эшитган сўзини деса росмана.

Берилмас нарсаға бўлма зўравон, Топилмас тилақни тилама ҳеч он. Хар ерга бормагин юғуриб елиб, Агар борсанг, ташвиш чекар ширин жон

Эргаш ОЧИЛОВ тайёраган

## 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни

# УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

**КАСБЛАР ИЧИДА ЭНГ УЛУҒИ ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИ ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР, ЖУМЛАДАН, ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРГА БЎЛГАН САМИЙИЙ ЭҲТИРОМ ЙИЛДАН ЙИЛГА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА. БУ ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРНИНГ МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАШ ҲУКУМАТИМИЗНИНГ УСТУВ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНГАНЛИГИ БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ.**

Маълумки, мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами сифатида кизгин нишонланмоқда. Кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида ҳам умум байрам муносабати билан Шайхонтохур тумани халқ таълими бўлими томонидан ўтказилган тантанали йиғилишга мазкур туманда кўп йиллардан буён таълим соҳасида самарали меҳнат қилган фахрий ўқитувчи ва мураббийлар, ташаббускор ва изланувчан ёш педагоглар ва кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди. Байрам тадбирида Шайхонтохур тумани ҳокими ўринбосари Абдурахим Мусаев сўзга чиқиб таълим соҳасида ўзининг бор билими ва маҳоратини, тажрибасини аямай ёш авлод таълим — тарбияси йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар, устозларни касб байрамлари билан муборакбод этиб, уларнинг келгусидаги ишларига омадлар тилади.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда Шайхонтохур туманида 5 та олий ўқув юрти, 12 та касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей, 37 та умумтаълим мактаби, 45 та мактабгача таълим муассасаси, биттадан ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернат, 3 та мусиқа ва санъат мактаблари фаолият олиб бормоқда. Албатта ёш авлоднинг чуқур билими, мустақил фикри, хар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларида мазкур таълим муассасалари ва уларда меҳнат қилаётган жонқуяр, меҳрибон устоз ва мураббийларнинг хизматлари беқийсдир. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Байрам тадбирида туманда таълим соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда ўзининг фаоллиги, ташаббускорлиги билан бошқаларга намуна бўлаётган бир қатор таълим фидойилари Ўзбекистон Республикаси Халқ

таълими вазирлигининг «Республика халқ таълими аълочиси», «Халқ таълими фидойиси», «Халқ таълими ҳомийиси» кўкрак нишонларига сазовор бўлдилар. Шайхонтохур тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Шайхонтохур тумани халқ таълими бўлими ҳамда касба уюшмалари томонидан Фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Эл севган хонандаларнинг устозларни мадҳ этиб қуйлаган дилторлар кўшиқлари, гўзал рақслари кечага ўзгача фойз киритиб, касб байрамларини нишонлаётган ўқитувчи ва мураббийлар қалбига бир олам шодлик ва қувонч бахш этди.

— Бугун ниҳоятда хурсандман, зеро, кўп йиллик камтарона меҳнатларим қадрланиб, шундай совғаларга сазовор бўлдим, — дейди Тошкент алоқа касб-хунар коллежи она тили ва адабиёт ўқитувчиси Назира Мирзақаримова. — Қирқ йилдан буён ёшларга таълим-тарбия бериб, уларни она Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келяпман. Истиқлол йилларида биз ўқитувчиларнинг меҳнати юксак қадрланиб, уларга эътибор ва ғамхўрлик ортомқда. Зеро, ўқитувчилик касби ниҳоятда шарафли ҳам захматлидир. Мен шу касбни танлаганимдан фахрланаман. Ҳукуматимизга, Юртбошимизга минг раҳмат, устозларга кўрсатилаётган мана шундай эҳтиром ва эътибордан мамнунман.

— Мана бир неча йилдирки, ўқитувчи ва мураббийлар кўни байрам сифатида кенг нишонланмоқда, бундан жуда ҳам хурсандим, — дейди тумандаги 461-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Муҳаббат Саидова. — Йигирми йилдан буён болажонлар билан биргаман. Уларнинг ҳалол, меҳнатсевар, она юртга содиқ, илмли инсонлар бўлиб етишишларини истаيمان. Бугун менинг ҳам меҳнатларим му-



носиб баҳоланиб, тақдирландим. Бу эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди. Келгусида яна ҳам ўз устимда кўпроқ ишлаб, изланиб, ёш авлод таълим — тарбиясига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, шодибна нишонланган кечада устозлар, ўқитувчи ва мураббийларга кучу эҳтиром кўрсатилди, бундай эътибор ва ҳурматдан уларнинг диллари чоғ бўлди.

**Ғулором ҲАМИДОВА**  
**СУРАТЛАРДА: Ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган байрам тадбиридан лавҳалар**  
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

2007 йил 31 августдан бошлаб 30 сентябрга қадар

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки Хадра майдони

2007-2008 йилги мавсумнинг очилши

Бутун сентябрь ойида Шанба кунлари—12.00, 15.00 Яқшанба кунлари—12.00, 15.00

Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) услда ижарага бераман. 157-62-48, 332-64-6.

Тошкент шаҳар Ер муносабатларини ва кўчме мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 2000 йил 21 июнда «QUIRILISH MOLLARI» МЧЖ омига берилган 5910552097 рақамли ер кадастр ҳужжати ўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АКТ ҳафталиги

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМЛАР

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича бешинчи саммит ўз ишчи бошлады. Унда Озарбойжон, Буюк Британия, Германия, Қозғоғистон, Канада, Жанубий Корея, Япония, Голландия, Россия, Тожикистон, Таиланд, Украина каби 12 мамлакатдан 300 нафардан ортиқ делегат — АКТ бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатлар ҳамда хорижий ИТ-компанияларнинг раҳбар ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари саммити йилдан-йилга республикамиз мутахассислари, хорижий мамлакатлар халқаро экспертларини ўзига янада кўпроқ жалб қилмоқда. Бугунги саммит АКТ ҳафталигига яқин ясаб, унинг ишларини сарҳисоб қилиш, ҳаётимизнинг турли соҳалари янги ишланмаларни жорий этиш борасидаги янги тенденциялар, ютуқлар ҳамда манфаатларни аниқлаш, шунингдек, АКТ имкониятларини рўйбeka чиқариш ва ушбу тармоқни ривожлантириш жараёнида юзага келадиган вазифаларни аниқлаш ҳамда муҳокама қилиш имконини беради.

Бугунги глобаллашув асрида бирон-бир фаолият соҳасини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда жамият ҳаётида ушбу технологиялар ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон алоқа

ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев шу ҳақда гапирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегияси устувор вазифалар белгилаб берилган, 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонига мўвофиқ 2002-2010 йилларга мўлжалланган компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, амалиётда босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

АКТ соҳасидаги миллий конунчилигимиз халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда мунтазам тақомиллаштирилмоқда. Бугун миллий конунчилигимиз муаллифлик ва аралаш ҳуқуқлар, электрон имзо, тижорат, тўловлар, ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишининг миллий устуворликларини ҳурмат қилиш таъминлари асосида очик ахборот жамиятини барпо этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.

Саммитда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш мақсадида давлат ҳамда хусусий сектор сазай-харакатларини бирлаштирувчи Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюشمаси ташкил этилгани таъкидланди. Хозир Ўзбекистон ИТ-бозори-

нинг 50 га яқин етакчи компанияси ушбу нодавлат нотижорат ташкилот аъзосидир. Бундан ташқари, уюшма ҳузурида ҳамкор компанияларга бегараз асосда электрон бошқарув соҳасида ўз товар ҳамда хизматларини сотиш учун шароит яратиб берадиган, илмий тадқиқотларни амалга оширадиган, ахборот ҳамжамиятини шакллантириш гоёсини омаллаштириш бўйича тарғибот ишларини бажарадиган Электрон бошқарув бўйича ваколатли марказ ҳам ташкил этилди.

Яқинда Сирдарё вилоятининг давлат органларида электрон ҳужжат айланишини жорий этиш бўйича тақрибга лойиҳаси амалга оширилди. Ҳўжаикл юртувчи субъектлардан электрон ҳисоботи солиқ ва бухгалтерия хисоботини қабул қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилаётган бўлиши е-ҳукуматнинг таркибий қисмлари сифатида интерактив давлат хизматлари рўйхати кенгайтирилмоқда.

Республикамизда электрон рақамли имзони қўллаш имконини берадиган меъёрли ҳуқуқий база ва очик электрон калитлар инфратузилмаси шакллантирилди. Уқув-таълим ва илмий муассасалар учун ахборот ресурсларини бирлаштирувчи, замонавий веб-технологиялар орқали ушбу маълумотлар базасидан кенг ҳамда хавфсиз фойдаланишни таъминлайдиган "ZiyoNET" жамоат таълим-ахборот тармоғи мўваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, республика телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш жараёни давом эттирилмоқда, шаҳар ва қишлоқ жой-

ларда АТСларни рақамлаштириш даражасини юксалтириш, халқаро каналларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш, уяли алоқа абонентлари ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонини кўпайтиришга ёрдам берадиган рақобат муҳити шаклланоқда. "UZ" миллий доменда кўплаб номлар рўйхатга олинмоқда.

Хорижлик шериклар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳар томонлама кенгаймоқда. Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга қаратилган "АКТ сибсати" қўшма лойиҳаси самарали амалга оширилмоқда.

Саммит қатнашчилари — В.Раузавийнинг (Россия) Лойиҳалар портфелларини тизимли бошқариш — инвестор, раҳбар ва ижрочи учун афзаллик, германиялик эксперт Б.Видекенинг ижтимоий ривожланиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация инфратузилмаси тўғрисида, Япониянинг Чибя университетидан М.Йошиданинг масофавий таълим тизимидаги илор инновациявий тармоқ технологиялари ва ўзгаришлар ҳақида, Конкук университети профессори Хан Сун Яннинг (Жанубий Корея) ахборот технологиялари бўйича юқори тоифали муҳандисларни тайёрлаш тақрибаси мавзусидаги маърузаларини катта қизиқиш билан тинглашди.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, саммит мутахассисларга ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг аҳолини таҳлил қилиш, ушбу соҳадаги янги ютуқлар билан таъиниши, янги барқарор ҳамда ишончли ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берадиган ўзига хос майдонга айланди.

В.НИКОЛАЕВ, Ў.А мухбири

Теннис

КУЧЛИЛАР ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШАДИ

ТОШКЕНТДА ҒАЛАБАГА ЭРИШИШ МЕН УЧУН ЖУДА МУҲИМ, — ДЕГАНДА «TASHKENT OPEN» ТУРНИРИНИНГ ЎТган йилги ЧЕМПИОНИ ХИТОЙЛИК ТИАНТИАН СУН. —ТУРЛИ МУСОБҚАЛАРДА МЕНИНГ САККИЗТА БОШ МУКОФОТИМ БОР, БИРОҚ, ЮҚОРИДА ҚАЙД ЭТганимдек, Бу САГАРГИ ЮТУГИМ МЕН УЧУН КАТА АҲАМИЯТГА ЭГА. ИЛК МАРОТАБА МЕН ЮҚОРИ ПОНОГА БИР ЎЗИМ КўТАРИЛИШГА МУВАФФАҚ Бўлдим. ҲАР ДОИМ ЎЗ ЮТУҚЛАРИМНИ ЖУФТЛИҚДАГИ ДУГОНАЛАРИМ БИЛАН УЛАШАРДИМ-ДА...

Ган шундаки, Сун кейинги йиллар давомида фақат жуфтлик ўйинларида энг яхши теннисчи ҳисобланган. У ҳамюрти Ли На билан жуфтликда 2004 йилда Афинада бўлиб ўтган Олимпияда ўйинлари галиб бўлган, ундан олдин эса айнаин шу жуфтлик «Tashkent open — 2003» турини бош совринини қўлга киритганди. Шу ўринда Суннинг ўша кезларда билдирган яна бир фикрини келтириб ўтишни ҳоиз деб билдик. «Мен ҳар доим Тошкентда ўтказиб келинадиган мусобақаларни, жумладан, голибларни тақдирлаш маросимларини завқланиб кузатиб борардим. Айнакча мамлакатимизда раҳбарининг шахсан узлари голибларга ҳар чопонларни қийдиришларини кўриб, ҳайратга тушардим. Бундай дақиқаларни мен ҳам ният қилганим ва нихоят орзуимга эришдим...», — деганда Тиантин. Аслида орзуига Сун, назаримизда, «Tashkent open — 2006»да эришганди. чунки ўз кучи билан сазовор бўлган бу ғалабани ҳеч ким билан бўлишмади, демак, улар тадбирларнинг таоминидан унча тортиқ этилган тилла суви юритилган ва энг қуқлар билан безатилган пешмат ва дўпни ҳам Суннинг ҳаётида энг ҳаяжонли дақиқалар бўлиб қолгани, шубҳасиз.

Мамлакатимиз ҳақида бундай илққ фикрларни қўллаб муҳомналар, айнакча, турли спорт мусобақалари иштирокчилари ва голиблари билдиради. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, аксарият спортчилар Тошкентда бўлиб ўтадиган турнирларнинг доимий қатнашчиларига айланишган, демак, улар тадбирларнинг таъминидан унча тортиқ этилган тилла суви юритилган ва энг қуқлар билан безатилган пешмат ва дўпни ҳам Суннинг ҳаётида энг ҳаяжонли дақиқалар бўлиб қолгани, шубҳасиз.

Мамлакатимиз ҳақида бундай илққ фикрларни қўллаб муҳомналар, айнакча, турли спорт мусобақалари иштирокчилари ва голиблари билдиради. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, аксарият спортчилар Тошкентда бўлиб ўтадиган турнирларнинг доимий қатнашчиларига айланишган, демак, улар тадбирларнинг таъминидан унча тортиқ этилган тилла суви юритилган ва энг қуқлар билан безатилган пешмат ва дўпни ҳам Суннинг ҳаётида энг ҳаяжонли дақиқалар бўлиб қолгани, шубҳасиз.

Хар сафар Ўзбекистонга мамнуният билан келаман ва очини, диёрингизга ташриф буюриш менга ҳузур бағишлайди, мамлакатининг мафтуниман. Тошкент муҳомдуст шаҳар. Сизлардаги одамгарчилик, меҳр-оқибат, дўстлик тушунчалари барча нарсадан устунлиги мени ло қолдиради. Бундай муносабатни ҳозирги глобаллашув даврида деярли бирон-бир мамлакатда, шу жумладан, бошқа Осиё давлатларида ҳам яқоқл сезиш қийин, — деганда, хусусан, «Tashkent open»да иккинчи маротаба қатнашган таиландлик теннисчи Тамарин Танасугарн. — Қолаверса, бу хусусиятлар меннинг қадрдон дусомам Оқулга ҳам мансуб. У билан кўп мусобақаларда учрашамиз, қисқа фурсатли дам олиш дақиқаларини ҳам бирга ўтказамиз...

Октябрь ойининг дастлабки ҳафтаси давомида пойтахтимизда навабтдаги «Tashkent open — 2007» мусобақалари бўлиб ўтади.

УТА — Бутунжапон аёллар теннис уюشمаси туркумига киритилган бу мусобақа Тошкентда тўққизинчи марта ўтказилдиган бўлса, ўтган давр мобайнида турининг шохсунчаси Анна Смашнова (Исроил), Бьянка Ламаде (Германия), Мария Микзалан (Швейцария), Руано Паскуаль (Испания), Николь Вадисова (Чехия), Ми-

хаэла Крайчек (Голландия) ва осийлик теннисчилардан — Тиантин Сун (Хитой) ва ҳамюрти-миз Ирода Тулаганова кўтарилиди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон йирқ нуфузли мусобақалар ташкилотчиси, шу жумладан АТР - Профессионал теннисчилар уюشمаси, ИТФ - Халқаро теннис федерацияси, WTA — Халқаро аёллар теннис федерацияси таснифидagi турнирларни ташкил этиш ва ўтказишда катта тақрибга эришган. Яқинда Тошкентда олтинчи маротаба ўтказилган АТР доирасидаги кўта ўйинларида эса мамлакатимиз яна бир бор катта теннис маркази эканлигини намойиш этди.

Кўтанинг Шарқий, Марказий ва Жанубий-Шарқий минтақаларини қамраган Осиё теннис федерациясига 40 дан зиёд мамлакат аъзолиги қўлмоқда. Ҳар бир минтақани АТР вице-президенти бошқараётган бўлса, Марказий Осиё давлатлари бўйича федерация президенти ўринбосари лавозимига сайланган Ўзбекистон вакили бугунги кунда Кирғизистон, Қозғоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва, албатта, мамлакатимизда ҳам теннис ривожига ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу ҳақда охириги кўта чемпионати доирасида уюштирилган федерация директорлар кенгашида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Марказий Осиё бўйича АТР раҳбари ҳисоботида караганда, 2006-2007 йиллар давомида минтақادا профессионал мусобақалар қатори анча кенгайган.

Жумладан, Ўзбекистонда ҳар йили ИТФ доирасида иккитадан унчини ва туртинчи тоифали ўсимлар турнири, иккита эркаклар фючерлари (мукофот жамғармаси 15 минг АҚШ доллари) ва Осиё чемпионати (мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ доллари) ўтказилади.

Қозғоғистонда ИТФнинг туртинчи ва бешинчи тоифали иккита ўсимлар турнири, мукофот жамғармаси 35 минг АҚШ долларидан иборат иккита челленжер ва 75 минг АҚШ долларига тенг челленжер мусобақалари анъанавий равишда ташкил этилади.

Кирғизистонда ҳам ўсимлар ўртасида ИТФнинг туртинчи ва бешинчи тоифали иккита мусобақаси ҳар йили ташкил этилади. Бу борада Туркменистон ва Тожикистон ҳозирча ИТФнинг ўсимлар турнири ва 13 ва ундан кичкина ёшдагилар ўртасидаги Президент Кубоғи, яъни биттадан мусобақалар билан қийофланмоқда.

Миллий терма жамоамиз, юқорида қайд этилган ютуқлардан ташқари, турли ўсим ёши тоифаларига мансуб бошқа турнирларда ҳам қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқда. Чунинчи, 2006 йилда федерация ҳақини кубогига Альбина Хабибуллина ва Александр Колесниченко иштирокидаги Ўзбекистон жамоаси бешинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2007 йил март-

апрель ойларида Жакарта (Индонезия)да ўтказилган 14 ва ундан кичкина ёшдагилар ўртасидаги Осиё чемпионатида қизларимиз — иккинчи, йигитларимиз — унчини погонани эгаллашди. Нью-Делида бўлиб ўтган 14-халқаро турнирда ва жаҳон ўсимлар челленжерига Ўзбекистон терма жамоаси шохсулга кўтарилди. Шу даражадаги мусобақалар келгуси йилнинг февраль ойида Сидней (Австралия)да ўтказилиши ва унда кўплаб давлатлар қатарида Ўзбекистонлик теннисчиларнинг ҳам қатнашиши кутилмоқда.

Албатта, ўйинчиларнинг муваффақияти бевосита мураббийларнинг профессионал маҳорати боғлиқдир. Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида биринчи даражадаги 20 нафардан зиёд мураббий ва иккинчи даражадаги етти та мураббий тегишли сертификатларга лойиқ деб топилган. Ўзбекистонлик ва туркменистонлик мураббийлар 13-Осиё ва 14-Бутунжапон мураббийлар конференцияларида иштирок этиш грантларига сазовор бўлди. Жорий йил охирида эса бир неча янги мураббийлар мактаби очилиши кутилмоқда.

Айни пайтда ҳакамлар миллий жамоаси етти кишидан иборат бўлса, беш нафари ИТФнинг оқ нишонига, иккитаси — қумуши ва бронза нишонига эга. Уларнинг ҳакамлик фаолияти турли даражада, ҳар йили ўтказиб туриладиган турнирларнинг тоифаси (ИТФ, АТР, челленжерлар, Катта дубулга турнирлари, Дэвис кубоғи ва Федерация кубоғи) дан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Оқ нишон мураббийлари кейинги йилларда Туркменистон, Қозғоғистон ва Россияда ўтадиган ўсимлар мусобақаларига тез-тез таклиф этили турилади.

Россия, Германия, Польша ва Эрон теннис уюшмалари ҳомийлигида ташкил этилаётган халқаро тоифадаги мураббийлар билан тақрибга алмашиш дастури ҳам анъанавий тус олмақда. Бундан ташқари, ҳакамлик даражаси турли минтақалардан халқаро тоифадаги мусобақаларга жалб этилаётган ёш ҳакамлар тўғрисида ҳам ошиб бораётди. Оқ нишон мураббийлари кейинги ноябрь-декабрь ойларида ҳакамлик бўйича минтақавий семинар ташкил этилиши режалаштирилган.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон 13-Осиё мураббийлар конференциясида мактаб тенниси ташаббуси дастурининг энг фол тарғиботчиси сифатида эътироф этилиб, АТФнинг махсус мукофоти билан тақдирланди.

Буларнинг бари, АТФнинг Марказий Осиё бўйича раҳбари таъкидлаб ўтганидек, яна бир бор теннис ўзига хос спорт турларидадан бири эканлигиндан далолат беради, зеро ташкилотчи мамлакатлар, иштироки мамлакатлар ва, албатта, голиб мамлакатлар нуфузи ортиб борадиган хизмат қилади ҳамда энг муҳими — давлатлараро мустақам ва ишончли дўстлик қўприғи вазифасини ҳам ўтади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ТВ O'ZBEKISTON TOHKENT SPORT ROCCIA

ДУШАНБА, 1

- Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».

ДУШАНБА, 1

- 20.40 «Спирт. Хонини убоймоқ отдала»
22.40 «Бальзаковский возраст, или Все мужики сво...-2».

СЕШАНБА, 2

- Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

ДУШАНБА, 1

- 7.00 «Бодро уро»
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)
8.20 Мультифильм.

ДУШАНБА, 2

- 4.00 «Добро утро, Россия!»
7.00 «Судья пошла. Лебедев-Кумач».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 30 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказилдиган очик аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилди. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 9 августдаги 10238/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар ИИББ-нинг Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган давлат рақами 11У7760 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2.000.000 сўм.

Шунингдек, 2007 йил 16 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказилдиган очик аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси қайтадан қўйилмоқда.

«ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси қўйилди. Бошланғич баҳоси — 3.435.000 сўм.

даги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776011 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш ишризо топширишлари шарт. Савдода ушбу эркак тақдир этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилиди. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй, Тел.138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

4.00 «Добро утро, Россия!»
7.00 «Мой серебряный шар. Олег Ефремов».

17.50 Программа передач.
17.55 Мультифильм. «Кундуз амакиннинг жуқоқларини».

17.00 «Ахборот»
17.15 «Эфирлар»
18.10 «Рамазон тўғрисида»
18.35 «Олтин мерос»

(Давоми 4-бетда)

